

Билмайман десанг ўргатишади, биламан десанг...



11:00 / 20.12.2021 2966

Имом Абулҳасан Мовардий «Дунё ва дин одоби» китобида айтади: «Илмнинг барчасини ихота қилишга бирор йўл йўқ экан, унинг баъзисини билмаслик ор эмас, сенинг билмайдиган нарсанг ҳақида «Билмайман», дейишинг уят эмас».

Имом Ғаззолий «Иҳё» китобида Имом Шаъбийнинг «Билмайман — илмнинг ярми» деган сўздан кейин қуйидагиларни айтган: «Ким билмаганидан Аллоҳ учун сукут қилса, сўзлагандан кам ажр олмайди. Чунки билмасликни эътироф қилиш нафсга оғирдир.

Ибн Абдулбарр «Жомий баён ал-илм ва фазлиҳ» китобида баъзи аҳли илмларнинг сўзини келтирган:

«Билмайман»ни ўрган ва «Биламан»ни ўрганма. Чунки сен «билмайман» десанг билгунинга қадар ўргатишади. Агар, «биламан» десанг, билмай қолгунингча савол беришади».

Абу Хайсама Насоий «Илм» китобида Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ушбу сўзини келтирган: «Билмайдиганни Аллоҳ билгувчироқ дейиш илмдандир».

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Моида сурасида шундай марҳамат қилади:

نَا۟وَدَتۡ غَتَ الْوَلَوۡ مُكۡلٌ لِّلۡلَّحٰٓحِ اَمۡ تَابِيۡطَ اُوۡمۡرَحۡتَ الْاُوۡنَمَآ نِيۡدۡلَا اِهۡيَا اِيۡ
نَيۡدَتۡ غُمۡلَا بَحۡيَا الْاَلۡلَّ

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилманг. Ҳаддингиздан ошманг. Албатта, Аллоҳ ҳаддидан ошувчиларни севмас». (87-оят)

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қиладилар: «Албатта, Аллоҳ илмни бандалардан бир суғуришда суғуриб олмайди. Лекин илмни уламоларни қабз қилиш орқали олади. Ҳатто агар олим қолмаса, одамлар ўзларига жоҳилларни йўлбошчи қилиб олишади. Шунда улар илмсизларча фатво беришиб, ўзларини ҳам ўзгаларни ҳам адаштиришади».

Имом Бухорий ривояти.

Али розияллоҳу анҳу шундай деган: «Фақат гуноҳингдан қўрқ, фақат Роббингдан сўра. Билмайдиган киши билиб олгунга қадар сўрашдан уялмасин».

Иброҳим Нахайй Омир Шаъбийдан (тобеинлар ичида ўз даврининг олим кишиси) бир масалани сўради.

У: «Билмайман», деди. Шунда Имом Нахайй айтди: «Аллоҳга қасамки, бу олим ўзи билмагани ҳақида сўралса: «Билмайман», деди».

Имом Молик роҳимаҳуллоҳдан юзта масала сўралганда у зот юзта масаланинг тўрттасигагина жавоб берган. Боқий (қолувчи солиҳ амал)лар ҳақида: «Аллоҳ билувчидир», деган. Шунда ушбу масала борасида танбеҳ берилди. Бас, у зот: «Ким Аллоҳ билувчироқдир», деса, батаҳқиқ, фатво берибди, деган.

Хуршид Маъруф тайёрлади